



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI

2020 yil “29” dekabr

№ 137/20 - sonli

Самарқанд вилоятидаги айрим аҳоли пунктларини номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 4, 6, ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги қошидаги Республика топонимика комиссиясининг 2020 йил 20 майдаги ва 23 июндаги экспертиза хулосалари ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиш баённомасини инобатга олиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг VI чақириқ XX сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилоятининг Нуробод, Нарпай, Пайариқ ва Пастдарғом туманларидаги номлари ўзгартирилаётган аҳоли пунктлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев) вилоят “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси (Б.Рахмонов) мазкур қарорни ўрнатилган тартибда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ў.Саидмуродов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Э. Турдимов



Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил “29” декабрдаги
137/20-сонли қарорига
илова

**Нуробод, Нарпай, Пайариқ ва Пастдарғом туманларида
ўзгартирилаётган аҳоли пунктлари номлари**

| Т/р | Географик объектнинг жойлашган ўрни | Аҳоли пунктнинг амалдаги номи | Ўзгартирилаётган номи |
|--------------------------|-------------------------------------|-------------------------------|-----------------------|
| Нуробод тумани | | | |
| 1 | Кечкелдик маҳалласи | Кечкелдик | Боғишамол |
| 2 | Нурбулоқ маҳалласи | Кўйбоқар | Гулобод |
| 3 | Булоқбоши маҳалласи | Сепки | Олмазор |
| 4 | Омондара маҳалласи | Бешбармоқ | Беширмоқ |
| 5 | Кўргонча маҳалласи | Жинли | Мустақиллик |
| 6 | Кўргонча маҳалласи | Кўшасигир | Истиқлол |
| Нарпай тумани | | | |
| 1 | Болғали маҳалласи | Бешпахса | Бинокор |
| 2 | Нарпай маҳалласи | Галақассоб | Шодиёна |
| 3 | Ипак йўли маҳалласи | Калтапўстин | Навқирон |
| 4 | Дўстлик маҳалласи | Қозоқолди | Бунёдкор |
| 5 | Тева маҳалласи | Жинлар | Чаманзор |
| 6 | Ўзбеккенти маҳалласи | Оҳакчи | Гулзор |
| Пайариқ тумани | | | |
| 1 | Накурт маҳалласи | Бешкал | Бешбулоқ |
| 2 | Янгиобод маҳалласи | Кампирўлди | Машъал |
| 3 | Кўлтўсин маҳалласи | Тентаковул | Митанобод |
| 4 | Наврўз маҳалласи | Қарри | Нурбулоқ |
| 5 | Наврўз маҳалласи | Кўтирбулоқ | Саховат |
| 6 | Маданият маҳалласи | Вали | Яшнобод |
| 7 | Кўктепа маҳалласи | Батрак | Каттабоғ |
| 8 | Хўжа Исмоил маҳалласи | Кўтиркент | Янгиҳаёт |
| Пастдарғом тумани | | | |
| 1 | Тўқбой маҳалласи | Ярим | Кўхнабулоқ |
| 2 | Қатортерак маҳалласи | Ғишт завод | Буюк ипак йўли |

Ижрочи: вилоят ҳокимининг
маслаҳатчиси

Ш.Темиров